

# АЛОҲИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

## РЕЖА:

1. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларни ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча ва ўзинга хос хусусиятларни.
2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий ҳолати
3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий ҳолати
4. Рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятта болиқ ерларининг ҳуқуқий ҳолати

Рекреация ва тарихий-маданий ахамият га молик ерлар алохида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг таркибий қисмларини ташқил этади. Ушбу тоифа ерларининг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 74 ва 75-моддаларида очиб берилган. Шу кодекснинг 74-моддасига биноан рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда нинг оммавий дам олиши ва туризмни ташқил этиш учун тегишли муассасалар ва ташқилотларга берилган ерлар тушунилади. Тарихий-маданий ахамият га молик ерлар деганда Ер кодексининг 75-моддасига кўра, тарихий-маданий кўриқхоналар, мемориал боғлар, мозорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассаса ва ташқилотларга доимий фойдаланишга бериб қўйилган ерларини тушуниш

Тарихий ва маданият ёдгорликлари бўлиб  
жамият ва давлатнинг тараққиёти, халқ ҳаётидаги  
тарихий воқеликлар билан боғлиқ бўлган  
иншоотлар, ёдгорлик жойлар ва предметлар,  
тарихий, илмий, бадиий ёки бошқа маданий  
қимматга эга бўлган моддий ва маънавий ижод  
асари ҳисобланади. Улар тарихий, археология,  
шаҳарсозлик, архитектура, санъат ва ҳўжжатли  
ёдгорликларга бўлинадилар. Уларнинг кўпчилиги  
кўчмас мулк бўлиб, ер участкаси билан бевосита  
боғлиқдир. Шу ерлар ва алоҳида шартлар билан  
фойдаланиладиган улар атрофидаги зоналар тарих  
ва маданият ёдгорликлари ерларини ташқил этади.  
Улар алоҳида белгиланган тартибда рўйхатга  
олинадилар, ҳисобга олинадилар ва ҳимоя  
қилинадилар.

Тарихий ва маданий ахамият га молик ерлар туризм, ва тегишли бошқа давлат органлари фойдаланиши ва муҳофазасига берилади. Ёдгорликларни муҳофаза этишни таъминлаш мақсадида муҳофаза зоналари, қурилишларни тартибга солиш зоналари, ва табиий ландшафтни қўриқлаш зоналари белгиланади. Барча турдаги ушбу зоналар пунктларининг бош режалари, режалаштириш ва қурилиш лойихаларига киритилади. Кўрсатилган зоналар доирасида тегишли давлат органларининг рухсатсиз қурилиш ишлари, хўжалик фаолиятини юритишга йўл қўйилмайди.

Мамлакатимиз тарихий обидалар, маданият ёдгорликларига бой давлат. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Кўкон шаҳарлари минг йиллик тарихий-маданият ёдгорликларига эга. Халқимиз, бутун дунё халқлари бу ноёб обидаларни зиёрат қиладилар, ундан завқ-шавқ оладилар. Улар бутун инсониятнинг тарихий-маданий меросига айланган. Шу сабабдан, уларни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиб бериш фуқароларнинг конституциявий бурчлари ҳисобланади. Ушбу конституциявий қоида асосида ишлаб чиқилган жорий қонунларда тарихий-маданий ёдгорликларимизни муҳофаза қилишнинг алоҳида тартиблари белгиланган ва улар ушбу тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга хизмат қилади.